

11) оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда бола фаровонлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурларининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишларини тизимли асосда ташкил этиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури қабул қилиниб, дастурнинг асосий йўналишлари доирасида қуйидаги механизмлар жорий этилди:

миллий даражада мақсадларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича умумий саъй-ҳаракат кўлами, устувор йўналишлар ва мўлжаллар белгиланди;

миллий мақсадларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик ҳамда минтақавий ва маҳаллий даражада болалар фаровонлигини яхшилаш тизими шакллантирилди;

Адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент: / “Халқ сўзи”, 2019 йил 7 декабрь.
2. Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг илмий-назарий асосларига тўқтаб ўтдик. Бунда бола ҳуқуқларининг бузилиши инсон ҳуқуқлари бузилиши бўлибгина қолмай, болаларнинг саломатлиги ва ривожланишига қарши қаратилган, жамоатчилик томонидан тан олинмаган ҳамда оммага етарлича маълум бўлмаган улкан тўсиқлар ҳақида ва мамлакатимизда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури қабул қилиниб, дастурнинг асосий йўналишлари доирасида механизмлар жорий этилиши ҳақида.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится Мы затронули научно-теоретические основы защиты прав детей в нашей стране. В то же время нарушение прав детей - это не только нарушение прав человека, но и огромное препятствие на пути к здоровью и развитию детей, не признанное обществом и недостаточно известное общественности о зрелости.

SUMMARY

We touched upon the scientific and theoretical foundations of protecting the rights of children in our country. At the same time, violation of children's rights is not only a violation of human rights, but also a huge obstacle to the health and development of children, not recognized by society and not well known to the public about maturity.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Т.Н.Калмуратов – таянч докторант

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

Таянч сўзлар: мактабгача таълим сифати, сифатни бошқариш, халқаро тажрибалар, сифатни баҳолаш, мактабгача таълим сифатини баҳолаш мезонлари.

Ключевые слова: качество дошкольного образования, управление качеством, международный опыт, оценка качества, критерии оценки качества дошкольного образования.

Key words: quality of preschool education, quality management, international experience, quality assessment, criteria for quality assessment of preschool education.

Жамият ҳаётида амалга оширилган ёки оширилаётган ҳар қандай фаолият сифати ва натижасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат таълим тизими шу жумладан, мактабгача таълим тизими, унинг бугунги кунда катта имтиёзлар берилаётган, молиявий манбалар ажратилаётган давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат қисми учун ҳам ўринлидир. Сабаби, давлат ва ҳукумат томонидан қаратилаётган эътибор маълум вақт давомида ўз натижасини бериши керак ва бу таълим сифати ва натижадорлигида кўриниши лозим.

Шу нуқтаи назардан, давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини такомиллаштириш, сифатни баҳолаш учун қандай механизмлардан фойдаланиш керак, қандай сифат мезонлари асос сифатида олиниши зарур, баҳолаш қим томонидан ўтказилиши лозим каби саволларга жавоб топиш мақсадида халқаро тажрибалар қиёсий ўрганилди.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, таълим сифатини баҳолаш тизими қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

таълим сифатини баҳолаш тизими мутлақо мустақил бўлиши, турли бошқарув тузилмалари босимидан холи бўлиши;

баҳолаш даражалари, таққослама характерга эга бўлиши, яъни таълим ташкилотининг янада ривожланиши учун ўзига хос “Йўл харитаси”ни белгилаши;

сифатни баҳолаш натижалари жамият аъзолари учун осон, тушунарли бўлиши учун логотип, сифат белгиси ва бошқа турдаги визуал ифодага эга бўлиши;

баҳолаш баҳоланувчи таълим ташкилотлари учун ихтиёрий хусусиятга эга бўлиши;

мутахассисларни қўллаб-қувватлаш тизими педагогларни ўзини ўзи баҳолашга, фаолиятидаги бўлиқларни, камчиликларни бартараф этишга йўналтириши;

таълим сифатини баҳолашни ушбу соҳада катта тажрибага эга бўлган, малакали мутахассислар ўтказиши кераклиги.

Ушбу шартларнинг барчасини фақат давлатдан мустақил бўлган, яъни нодавлат таълим сифатини баҳолаш тизимигина қондириши мумкин. Давлат томонидан таълим сифатини баҳолаш – таълим ташкилотини аккредитациядан ўтказиш, сертификатлаш, лицензиялашда намоён бўлади. Аммо, ташкилот томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларининг реал сифати фақат жамият ёки истеъмолчилар томонидан белгиланиши мумкин.

Халқаро тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг мустақил, нодавлат тизими ўқувчи-талабалари халқаро қиёсий тадқиқотларда (PISA, PIRLS) ижобий натижалар намоёниш этадиган деярли барча мамлакатларда мавжуд.

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида таълим ва илм-фан орқали инновацион ривожланишга эришган Сингапурнинг мактабгача таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги тажрибалари ўрганилди.

Сингапур мактабгача таълим тизимида 600 га яқин мактабгача таълим ташкилотлари ва 900 дан ортиқ бола парваришlash марказлари ижодий фикрлаш, мослашувчанлик ва инновацион ёндашувларни яратиш каби мақсад ва вазифалар асосида фаолият юритиб келмоқда.

Сингапурда мактабгача таълим сифатини ташқи баҳолаш учун 2011 йилда SPARK (Сингапур мактабгача таълимни аккредитациядан ўтказиш тизими) дастури ишлаб чиқилган.

Мамлакатда мустақил ташкилот ҳисобланадиган Эрта болаликни ривожлантириш агентлиги мактабгача таълим ташкилотлари ва бола парваришlash марказларида 7 ёшгача бўлган болалар ривожланишининг асосий йўналишларини такомиллаштириш, SPARK дастурини амалга ошириш шуғулланади [1].

SPARK дастури асосан иккита йўналишда фаолият юритади:

1. Мактабгача таълим ташкилотлари ва уларнинг ходимларига таълим сифатини такомиллаштиришга ёрдам бериш.

2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналари, яъни, истеъмолчиларга мактабгача таълим ташкилотини танлашда ёрдам бериш.

SPARK дастури мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлигини таъминлаш учун таълим сифатини ошириш жараёнида ташкилот раҳбарларининг нуфузини кўтариш ва қўллаб-қувватлаш билан таъминлайди. Дастур ривожланиш бўйича йўналишларни белгилайди ва ташкилотларнинг ўзини ўзи баҳолашини янада самарали ташкиллаштиришга ёрдам беради.

SPARK дастури ихтиёрий бўлиб, мактабгача таълим ташкилотлари ва бола парваришlash марказлари ўзлари истаган вақтда баҳолашдан ўтиши ва сертификат олиши учун ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Дастур тўртта босқичдан иборат [2]:

1) Рўйхатдан ўтиш. Ташкилотнинг фаолият юритиши учун минимал стандартлар баҳоланади.

2) Ўз-ўзини баҳолаш. Рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, барча мактабгача таълим ташкилотлари ва бола парваришlash марказлари ўз-ўзини баҳолаш босқичидан ўтишлари тавсия этилади.

3) Сифат рейтинги. Ушбу босқичда таълим ташкилотлари сифатнинг қайси даражасига мос келишини аниқлайди ва ташқи экспертнинг таклифидан фойдаланиб, ўзини ўзи баҳолаш натижаларини текширади.

4) Аккредитация. Ташқи баҳолаш натижаларига кўра, таълим хизматларининг сифатига қараб мактабгача таълим ташкилотларининг рейтинги тузилади. Рейтингнинг юқори қисмида жойлашган ташкилотлар сертификат олади.

SPARK дастурида рейтинг мезонлари қуйидаги бешта йўналиш асосида шакллантирилади ва баҳоланади [3]:

1. Тарбияланувчининг ривожланишига, унинг шахсига қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароитлар. Болалар хавфсиз ва ривожлантирувчи таълим муҳитида яхши ривожланишлари. Шунингдек, ҳар бир бола турли хил таълим эҳтиёжларига, қобилиятларга ва қизиқишларга эга бўлиб, яратилган шарт-шароитлар индивидуал эҳтиёжларга ҳам жавоб бериши керак.

Мактабгача таълим ташкилотидаги таълим-тарбия жараёни юқори малакали педагог ходимлар билан таъминланиши зарур. Шунда олиб борилаётган сифатли машғулотлар ҳар бир болага ўз қобилиятларини намоён қилишга ва таълимнинг кейинги босқичи учун кучли асос яратишни таъминлайди.

2. Раҳбарлик маҳорати. Раҳбар мактабгача таълим ташкилоти фаолиятида энг муҳим шахс ҳисобланади. У ташкилот ва ходимлар учун умумий мақсадлар ва ривожланиш йўналишларини белгилайди ҳамда ходимларни таълим ташкилотининг ривожлантириш концепциясини амалга оширишга илҳомлантиради ва бошқаради.

Шунингдек, соҳадаги муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш учун раҳбарлар ўзгарувчан таълим муҳитига мос ривожланиш зарур: педагогиканинг сўнгги ривожланиш тенденциялари ҳақида хабардор бўлиши, истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва соҳага оид бошқа муаммоларни бошқалардан кўра олдинроқ кўра олиш ва ҳал қилиши лозим.

3. Касбий нуфуз. Мактабгача таълим ташкилотлари ўзларини касбга бағишlashга тўлиқ тайёр бўлган, ўз вазифаларини яхши биладиган ва болани мазмунли, шахсга йўналтирилган таълимга жалб қилиш учун етарлича юқори малакага эга бўлган педагогларга ҳар доим муҳтож бўлган. Педагогларнинг касбий компетенциялари таълим сифатини таъминлашда энг асосий омиллардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, улар ҳам болаларни ҳам ўзларини доимий равишда ривожлантириб боришлари зарур.

4. Мақсадли йўналтирилган инновациялар. Бугунги тезкор ривожланиш суръатлари мабгача таълим ташкилотларидан ўзгаришларга, ривожланишга ҳамоҳанг бўлишни, инновацион ишланмаларни яратиш ва жорий этишда фаол қатнашишни, жамиятнинг ривожланишига ҳамоҳангликни талаб қилади. Агар мактабгача таълим ташкилотларида яратилган

ривожланиш муҳити замон талабларига жавоб берса ва инновацион педагогик ёндашувларни қўлласа, бу болалар учун келажакда зарур бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллаш имкониятини яратади.

5. Ижтимоий ҳамкорлик. Мактабгача таълим ташкилотининг оила ва жамиятдаги бошқа хўжалик субъектлари билан мунтазам равишда фаол алоқада бўлиши болаларнинг ўқиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилади. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун ота-оналар ва жамиятнинг бошқа субъектлари билан мустақкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши керак.

Ҳозирги кунда Сингапурдаги 1500 та мактабгача таълим муассаларининг 409 таси SPARK сертификатларига эга. Яна 56 та мактабгача таълим ташкилотлари SPARK имтиёзли сертификатларига эга. Бу таълим жараёнини бошқаришнинг кучли даражаси, комплекс таълим дастурини амалга ошириш, боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган самарали ўқув муҳитининг мавжудлигини тан олишдир [3].

Сертификат уч йил давомида амал қилади. Белгиланган муддатдан олдин ҳам SPARK мезонларига жавоб берса мактабгача таълим муассасалари қайта сертификатланиши мумкин.

Сингапурдаги замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, SPARK сертификатининг мавжудлиги ота-оналар ўз фарзандлари учун мактабгача таълим ташкилотларини танлашининг асосий мезонига айланмоқда.

Халқаро тажрибаларнинг таҳлиллари асосида, биринчи навбатда, ривожланган таълим тизимида эга бўлган давлатлар мактабгача таълим ташкилотлари ва бола парваришlash марказларини фаолиятини ривожлантириш юзасидан мезон сифатида белгиланган сифат кўрсаткичлари бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

кўп ҳолларда болаларнинг ўқув ютуқлари, улар томонидан эгалланган академик билимлар болалар боғчасининг сифати тўғрисида хулоса чиқариш учун асос ҳисобланмайди. Мониторингнинг марказий объекти таълим-тарбия муҳитини ташкил этиш, ижтимоий алоқалар, жиҳозлар, хавфсизлик ва ходимларнинг малакасини;

мактабгача таълим ташкилотнинг жамият, ташкилотлар ва ота-оналар билан дўстона алоқалари, ҳамкорларнинг болалар жамоаси ҳаётида иштирок этиш даражаси таълим сифатининг муҳим кўрсаткичидир;

таълим сифатини баҳолашда “Раҳбарлик” кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айниқса унга Сингапурда катта эътибор қаратилади: таълим ташкилоти раҳбари ўзининг касбий фаолияти давомида ташкилотни ривожлантириш стратегиясига эгаллиги, уни жамоанинг қай даражада қўллаб-қувватлаши, стратегияни ташкилий ва молиявий томондан таъминлаш манбаларининг мавжудлиги алоҳида аҳамиятга молик ҳолатлардир.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатларда мактабгача таълим сифатини баҳолаш жараёни аксарият ҳолларда мустақил ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва бу таълим сифатини, унинг натижаларини мустақил баҳолаш хусусиятларини, мактабгача ёшдаги

болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун реал эҳтиёжларни қондириш бўйича таълим хизматларини такомиллаштириш йўналишларини белгилайди.

Шунингдек, таълим тизими ривожланган мамлакатларда сифатни ташқи баҳолашнинг муҳим хусусияти бу уларнинг ихтиёрийлигидадир: мактабгача таълим ташкилотлари баҳолашда иштирок этиш учун ариза топшириш ва мутахассисларни қачон таклиф этишни ўзлари ҳал қилади.

Мактабгача таълим сифатини баҳолаш бўйича таҳлил қилинган хорижий тажрибалар янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий буюртмани таълим хизматларининг сифатига йўналтиришни, мактабгача таълим сифатини мустақил экспертизадан ўтказиш тизимини шакллантириш лозимлигини англатади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини бошқаришнинг қуйидаги жиҳатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга:

1) Мактабгача таълим соҳасида, хусусан, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини нодавлат тузилма томонидан баҳолаш бўйича аниқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши зарур. Бунда нодавлат баҳолаш ташкилоти, тизим ва соҳага оид ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, баҳолаш мезонлари ва шартлари, баҳолаш натижаларини эълон қилиш аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

2) Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари таъсисчилари, яъни тадбиркорларнинг аксарият ҳолатларда мактабгача таълим ташкилотини бошқариш бўйича компетенциялари етарли эмас. Мазкур масалага ижобий ечим топиш мақсадида тадбиркорларда таълим ташкилотини бошқаришнинг ташкилий, ҳуқуқий, педагогик жиҳатлари бўйича компетенцияларини ривожлантириш, узлуксиз семинар-тренинглар фаолиятини йўлга қўйиш зарур.

3) Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқаришнинг қуйидан юқорига томон йўналтирилган вертикал тизимини ривожлантириш. Мазкур мақсадда ДХШ нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг электрон платформасини яратиш.

4) Давлат-хусусий шериклик битимида белгиланган тарбияланувчилар сонига нисбатан давлат улушининг ўрнатилган ҳажмларда бўлиши ва унга мувофиқ хўжалик-молиявий масалаларни юритишни такомиллаштириш.

5) Ташкилотда таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш ҳамда сифат менежментини йўлга қўйишнинг аниқ механизм ва шакллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

6) Ташкилотда болалар саломатлигини сақлаш, соғлом овқатлантиришни ривожлантириш билан боғлиқ комплекс масалаларни ҳал қилиш.

7) Ташкилотга кадрларни танлаб олиш, уларнинг узлуксиз малакасини оширишини ва ижтимоий ҳимоясини ташкил этишнинг ҳуқуқий, ташкилий асосларини ишлаб чиқиш.

8) Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ўқув-методик ва дидактик тарқатма материаллар билан таъминлашда давлатнинг минимал мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш.

Адабиётлар

1. Peng Ch.F. Children learning through play: perspectives and practices of early childhood educators in Singapore preschools serving children aged four to six years// <https://ira.le.ac.uk/bitstream/2381/10119/1/2011chenfpedd.pdf>
2. <https://www.ecda.gov.sg>
3. Оманова Г.А. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш. Пед.фан.фалсафа доктори (PhD) илм. даражаси учун ёзилган дисс. – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти, 2021. 124-б.
4. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. –Тошкент: 2018.
5. Джурев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. -Тошкент: “Voriz-Nashriyot”, 2012. 167-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим сифатини баҳолаш ва бошқариш йўналишларида бир қатор хориж ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган ҳамда муаммонинг амалиётдаги ҳолати, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлаш ва бошқариш масалаларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются исследовательские работы ряда зарубежных и отечественных исследователей в области оценки качества и управления дошкольным образованием и исследования качества образования в негосударственных дошкольных учреждениях на основе государственно-частного партнерства.

SUMMARY

The article analyzes the research work of a number of foreign and local researchers in the field of quality assessment and management of preschool education and the study of the current state of the problem, quality assurance and management of education in public-private partnerships on the basis of legal documents.

МУАММОЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ТАНКИДИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Т.К.Кудайбергенова – педагогика фанлари номзоди, доцент

И.Н.Ибодуллаева – докторант

П.Калжанов – катта ўқитувчи

Ажсинёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: танкидий тафаккур, муаммоли ўқитиш, назарий таҳлил, анкета, суҳбат, интервью, “синовлар ва хатолар методи”, “синектика” методлари, “тасодифий ассоциациялар”.

Ключевые слова: критическое мышление, проблемное обучение, теоретический анализ, анкета, интервью, «метод проверки и ошибок», «методы синектики», «случайные ассоциации».

Key words: critical thinking, problem based teaching, theoretical analysis, questionnaire, conversation, interview, the method of testing and mistakes, methods of synectics, random associations.

Сўнгги йилларда илм-фан, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ ҳолда малакали мутахассисларга бўлган талаб кескин равишда ошди. Бугунги кунда мутахассиснинг касбий компетентлик сифатлари қаторида ижодий, креатив ва танкидий тафаккурга эга бўлиши унинг малакавийлик даражасини белгилаш аънаси шаклланимочди. Мутахассиснинг касбий лаёқати, компетенциясини белгилашда педагогик жиҳатдан ижодий тафаккур, касбий масалаларга ижодий ечим топишни, креатив тафаккур эса касбий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида илғор, замонавий ёндашувларга таяниб иш қўришни ифодаласа, танкидий тафаккур эса пухта асосланган ва қатъий қарорга келиш мақсадида вазиятни турли позицияларда баҳолаш ва таҳлил қилишни англатади. Танкидий тафаккур ҳар қандай фикрга нисбатан ностандарт ёндашишга ёрдам берадиган тафаккур тури бўлиб, доимий равишда ўзгариб турадиган ахборот оқими ўзгартиришни таъминлайди. Тафаккурнинг бу тури шахсга ахборотларни қайта ишлаш, тизимлаштириш, ўз фикрини тез ва аниқ ифодалаш, шунингдек, мустақил таълим олиш ҳамда бошқа шахслар билан амалий жиҳатдан ҳамкорлик қилиш қобилиятини ривожлантириш имкониятини яратади.

Демак, танкидий тафаккур вазиятга бир ёқлама баҳо беришдан четланган ҳолда уни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижобий ҳамда салбий таъсирларини кўра олиш, ижобий таъсирлардан самарали фойдаланиш, салбий омилларни эса бартараф этиш асосида қарорни пухта асослаш ва унинг қатъи (тўғри, оқилона) бўлишига эришиш демакдир.

Танкидий тафаккурга эга бўлиши ўзида шахснинг муқобилларни яратиш ва тадқиқ қилиш, нуктаи назарни белгилаш ва текширишга лаёқати; муаммонинг қўйилишини тушунишда қатъи қарорга келиш ва унинг ечимини тезкор топа билиш малакаси; пухта ўйланган ва мустақил қарорларни қабул қилиш қобилияти; пухта ўйланган ва аниқ саволларни бера олиш лаёқати каби

сифатларга эгаллигидан далолат беради.

Ҳақиқат курашлар авж олган мавжуд вазиятда шахснинг танкидий тафаккурга эга бўлиши яна бир жиҳатдан аҳамиятлидир. Бундай тафаккурга эга шахс электрон ва босма ахборот воситалари томонидан узатилаётган (тарқатилаётган) ҳар қандай ахборотни тўғридан тўғри қабул қилмайди. Аксинча, уни таҳлилий равишда ўрганади. Яъни, ахборотда илғор суриланган асосий ғоянинг моҳиятини, унинг қандай субъектларга йўналтирилганлигини, ахборотнинг ижтимоий аҳамияти – шахсни ёки жамиятни ривожлантиришга таъсирини, воқеа ҳамда ҳодисалар ривожига ижобий ёки салбий таъсирини таҳлил қилади. Ўз моҳиятига кўра шахс томонини ташкил этадиган ахборот мазмунини ўрганишга қаратилган ҳаракат босқичли жараён саналади.

Мамлакатда фуқаролик жамияти стратегик мақсад сифатида эълон қилиниши натижасида янги долзарб вазифалар пайдо бўлди. Фуқаролик жамиятини қуришда мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, мамлакатимиз тарихида шаклланган фуқаролик жамиятининг миллий унсурларини демократлаштириш ва уларни хорижий тажриба билан уйғунлаштириш давр талаби ҳисобланади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқаролик жамияти институтлари фаоллиги ошиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни ривожлантиришга йўналтириш учун замон талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятига доир назарий ва амалий билимларни келгусида шу жамиятни қуришнинг фаол иштирокчилари ҳисобланувчи талабалар онгига сингдириш мамлакат келажаги ва истиқболини белгилувчи муҳим омил ҳисобланади. Натижада “Фуқаролик жамияти” фанини дарс сифатида ОТМ ларда ўқитиш муҳим заруриятга айланди. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги даврда давлат ва